

Сутга ишлов бериш корхоналарининг оқоваларини таҳлили.

Ураков Бахтиёр Шукруллоевич-магистрант, Мирзаев Абдиалим –илмий раҳбар, техника фанлари номзоди, доцент (СамДАҚИ).

Республикамизда саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши сув истеъмолини оширади ва шунга мос ҳолда фойдаланиш жараёнида пайдо бўлган ифлосланган оқова сувлар микдори ошади, бу эса ўз навбатида атроф-мухитга санитар-экологик хавф туғдиради. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги корхоналар пайдо бўлмоқда. Уларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум микдорда сув керак бўлади, сувдан фойдаланиш натижасида сувнинг ифлосланиши, яъни оқова сувлар пайдо бўлади. Бу оқоваларнинг микдори ва таркибий сифат кўрсаткичлари турлича бўлишлиги табиийдир. Бу оқоваларнинг таркибида ҳар хил ўлчамли, органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалар мавжуд. Шу сабабли сутга ишлов бериш корхоналарининг оқоваларини таҳлили мамлакатимиздаги экологик ҳолатни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммодир. Бу корхоналардан чиқсан оқова сувларни микдори, фойдаланилган тоза совук сувнинг 80-85% ни ташкил этади.

Сутга ишлов бериш корхоналарида оқова сув микдорини нисбий меъёрлари 1-жадвалда келтирилган (бир тонна сут маҳсулотини қайта ишлаб чиқаришдан чиқсан оқова сув микдори, м³)

1- жадвал

Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси ва уларнинг қуввати	Оқова сувларни нисбий микори		
	Жами	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун	Маишӣ юмушлар учун
Сут қабул қилиш ва сутни қайта ишлаш бўлими.	2	1,9	0,1
Шаҳар сут заводлари, т/к-к	5,6	4,9	0,7
50 гача			
50 дан 200гача	5,2	4,5	0,7
200 дан 400 гача	4,8	4,2	0,6

Қуолтирилган сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводлари, сменадаги концентрацияси 60 гача (180т/к-к сут)	4,4	4,1	0,3
60 дан кўп (180т/к-к сут)	4	3,7	0,3
Қуруқ сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводлари, т/к-к 300 гача	4	3,7	0,3
300дан кўп	3,5	3,3	0,2
Болалар учун мўлжалланган қадоқланган сут маҳсулотлари	3	2,8	0,2
Ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқадиган заводлар, т/к-к 50гача	2,6	2,4	0,2
50 дан 200 гача	2,1	1,9	0,2
200 дан кўп	1,7	1,6	0,1
Пишлок ишлаб чиқадиган заводлар, т/к-к 50 гача	6	5,5	0,5
50 дан 200 гача	5	4,6	0,5
200дан кўп	4,3	3,9	0,4

Бу жадвалда келтирилган меъёрларни замонавий қурилмалар, ускуналар билан жиҳозланган ва айланма қайта ишлатиладиган сув таъминоти тизимга эга сутга ишлов бериш корхоналари учун қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу корхоналардан чиқадиган оқова сувларни нотекислик коэффициенти, корхонанинг қувватига мос ҳолда 1,4-2 гача бўлади. Сут маҳсулотларини қайта ишлаш заводларида ускуналарни, идишларни ювиш жараёнида ва маҳсулот ишлаб чиқариш хоналарини ювиш натижасида оқова сувлар ҳосил бўлади. [1]. Оқова сувларни ифлосланиш даражаси, яъни ифлосланиш концентрацияси қўйидаги ифода орқали ифодаланади:

$$C = \frac{\Pi_1 C_1 + \Pi_2 C_2 + \dots + \Pi_n C_n}{(N_1 + N_2 + \dots + N_n)} \Gamma / M^3$$


Бу ерда, С-оқова сувларни ифлосланиши концентрацияси, $\text{г}/\text{м}^3$, Π_1 , Π_2 , Π_n – ҳар хил сут маҳсулотларини ишлаб чиқиши технологик жараёнида, йўқолган сут микдори, C_1 , C_2 , C_n йўқолган сут ва сут маҳсулотларини бирлигига тўғри келадиган ифлосланиши даражаси (сони), $\text{г}/\text{т}$; N_1 , N_2 , N_n – сут ва сут маҳсулотларини бирлигига тўғри келадиган оқова сувни нисбий сарфи, $\text{м}^3/\text{т}$. Сут ва сутли маҳсулотларни кислородга бўлган кимёвий эҳтиёжи (ККЭ) ва кислородга бўлган биокимёвий тўлиқ эҳтиёжи (КБЭ тўлиқ) бўйича ифлосланишини сонини 2-жадвалда келтирамиз.

Сут ва сутли маҳсулотларнинг таркиби бўйича органик моддаларни ачитишида кислородга бўлган эҳтиёжи аниқловчи жадвал.

2-жадвал

Маҳсулотларни номи	Қуруқ модда, %	ЁF, %	Белок (оқсил), %	Лактоза, %	ККЭ, кг/т	КБЭтўлик, Кг/т
Сут бутун ҳолда	11,5-12,5	3-4	3,3	4,8	192,9-218,6	135,5-156,2
Ёғсизлантирилган	8,3-8,47	0,02-0,06	3,3	4,7-4,9	112-115,3	72,4-75,1
Пахта	7,7-8,0	0,4-0,86	3	4	104,5-111,9	72,4-75,1
Зардоб	6-6,2	0,1-0,2	1	4,5-4,7	72-77	51,6-55,9
Қаймок	40,4-43	33-35	2	3	871-936,5	695-747

Ўзбекистон шароитида сутни қайта ишлаш саноат корхоналаридан чиқкан оқова сувларни таркиби корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш турига қараб 3-жадвалда келтирилган. Бу оқова сувларни температураси 16^0 дан 33^0C гача бўлиши мумкин, бир ойлик ўртacha температура қиши фаслида $17-18^0\text{C}$, ёзда $22-25^0\text{C}$ ни ташкил этади.



1-расм. Сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган оқова сувлардаги КБЭ тўлиқ ва ККЭ орасидаги ўзаро боғлиқлик графиги.

- Сут заводлари учун; о- пишлюқ ишлаб чиқариш заводлари учун.

Сут маҳсулотларини қайта ишлаш саноат корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни таркибий кўрсаткичлари

3-жадвал

Корхоналар	Аралашма лар (лойқалиги), мг/л	ККЭ, мг/л	КБЭ тўлиқ, мг/л	Ёғ-лар, мг/л	Хлорид лар, мг/л	Уму-мий азот миқдори мг/л	Фос-фор, мг/л	pH
Шахар сут заводлари	350	1400	1200	100 гача	150	60	8	6,5-8,5
Қуруқ ва қуюқлаштирилган сут заводлари	350	1200	100	100 гача	150	50	7	6,8-7,4
Пишлоқ ишлаб чиқарадиган заводлар	600	3000	2400	100 гача	200	90	16	6,2-7

Бу оқова сувларда аралашмаларни (лойқани) 90% органик моддалар ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида кислородга бўлган кимёвий эҳтиёж билан кислородга бўлган тўлиқ биокимёвий эҳтиёж орасидаги боғлиқлик тўғридан-тўғри эканлиги аниқланади. Бу боғлиқлик графиги 1-расмда кўрсатилган.

Хуноса

- сут маҳсулотларини қайта ишлаш заводларида сут миқдорини мукаммал нисбий меъёрлари, уларнинг қувватига боғлиқ ҳолда, яъни шахар сут заводлари, қуюлтирилган сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводлари, қуруқ сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводлари, болалар учун мўлжалланган қадоқланган сут маҳсулотлари ҳамда ёғ ва ишлоқ чиқадиган заводлар учун аниқланади;
- шахар сут заводлари, қуруқ ва қуюқлаштирилган сут заводлари, пишлоқ ишлаб чиқарадиган заводлар учун оқова сувлардаги аралашмаларни, кислородга бўлган кимёвий эҳтиёжи, кислородга бўлган тўлиқ биокимёвий эҳтиёж, ёғлар, хлоридлар, умумий азот, ва фосфорларни мукаммал миқдорлари аниқланади;
- сут маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналардан чиқадиган оқова сувлардаги кислородга бўлган тўлиқ биокимёвий эҳтиёж билан

кислородга бўлган кимёвий эҳтиёж орасидаги боғлиқлик тўғридан-тўғри эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Якубов К.А., Мирзаев А.Б., Бўриев Э.С. Сув таъминоти ва канализация тизимлари ишини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш. “Фан ва технология марказининг босмахонаси”да чоп этилган. Тошкент-2016. ISBN 978-9943/2086.
2. Инструкция по нормированию сбросов загрязняющих веществ в водные объекты и норельеф местности с учетом технически достижимых показателей очистки сточных вод. О’зRH 84.3.6.2004, Тошкент, 2004 год